



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“ 06 ” May 20 21 yil

Yaypan shahri 336 - sonli

“KNAUF gips Farg'ona” masъулияти чекланган жамияти томонидан Ганиобод ММТП худудида амалга оширилаётган инвестиция лойихасига зарур бўлган йўл ва автотураргох учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Такдим этилган хужжатларни ва Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 22, 23-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-боби 42, 43-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг “Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой куриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 2-илоvasи 2-банди, “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг 1-илоvasи 2-банди, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасини кўллаб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 15 март кунги 02-10-360-обр-сонли хати, Фарғона вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 29 март кунги 04-33/2729-сонли топширик хати, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2021 йил 5 майдаги 17-1749-сонли, Фарғона магистрал газ қувурлари бошқармасининг 2021 йил 14 апрелдаги 02-03-19-329-сонли ҳамда Туман электр таъминоти корхонасининг 2021 йил 26 апрелдаги 636-сонли жавоб хатлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш (реализация қилиш) комиссиясининг 2021 йил 20 апрел кунги далолатномаси тасдиқлансин ҳамда “KNAUF gips Farg’ona” масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 26 февралдаги 16-сонли “Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қўшимча ер майдони ажратилишида амалий ёрдам бериш”ни сўраб Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва тапқи савдо вазирлигига қилган муурожаати қаноатлантирилсин.

3. Ўзбекистон тумани Ғаниобод ММТП ҳудудидаги 4-к, 627-к, 629-к контурдаги жами 1,9 гектар ер майдони “KNAUF gips Farg’ona” масъулияти чекланган жамиятига ташкил этилаётган гипсокартон ишлаб чиқариш корхонасига туташ ҳолатда йўл қуриш ва автотураргоҳ учун ажратиб берилсин.

4. Ажратиб берилаётган ер майдони ҳудудидан юқори қучланишли 110 кВли ЛЯКБ ҳаво электр тармоғи ўтганлиги ҳамда электр муҳофаза ҳудуди эканлигини инобатга олган ҳолда, корхона томонидан ҳар қандай бино-иншоотлар қурилиши, балеңд ўсувчи дарахт ҳамда буталар экиш ва кесиш, ёқилғи мойлаш материаллари сақлаш ишлари амалга оширилмасиги корхона раҳбари Д.Дерипалкога тушунтирилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш, ажратиб берилаётган ер майдони чегараларини аниқлаб бериш ва туман ер балансига ўзгартириш киритиш Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи А.Ражабовга топширилсин.

6. Мазкур қарор тасдиғи Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашидан сўралсин.

7. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ш.Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш. Юлдашев

Ғаниобод ММТП ҳудудида KNAUF gips Farg'ona" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳасига зарур бўлган йўл ва автотураргоҳ учун ер майдони ажратиш ҳақида тузилган комиссия

ДАЛОЛАТНОМАСИ

20.04.2021 йил

Яйпан шахри

Комиссияси раиси:	Ш.Юлдашев	- туман ҳокими
Раис ўринбосари:	Ш.Исмоилов	- туман ҳокимининг ўринбосари
Комиссия котиби:	А.Ражабов	- Ер ресурслари ва давлат кадастри Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари:

А.Ражабов	- Ер ресурслари ва давлат кадастри Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи
О.Вахобов	- туман Қурилиш бўлим бошлиғи
Э.Рахимов	- "Фарғонагаз" ҳудудий филиали Ўзбекистон туманлараро участкаси бошлиғи
Д.Рахмонов	- туман ФВБ бошлиғи
Ж.Мелиев	- туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи
Д.Дерипалко	- аризачи фуқаро

Иштирокида "KNAUF gips Farg'ona" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Д.Дерипалконинг 2021 йил 26 февралдаги 16-сонли "Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун кўшимча ер майдони ажратилишида амалий ёрдам бериш"ни сўраб Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди ва ўрганиш натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди.

Жумладан, "KNAUF gips Farg'ona" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилаётган гипсокартон ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида йиллик қуввати 15 млн. кв.м бўлган гипсокартон маҳсулоти ишлаб чиқарилиши, 13 млн. доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши ҳамда 60 нафар янги иш ўринлари яратилишини инобатга олган ҳолда, Ғаниобод ММТП ҳудудидаги 4-қ, 627-қ, 629-қ контурдаги жами 1,9 гектар ер майдони "KNAUF gips Farg'ona" МЧЖга туташ ҳолатда йўл қуриш ва автотураргоҳ учун ажратиб бериш мақулланганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 5-боби 44-моддасида Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари кўрсатилган бўлиб, бунда "маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида, тадбиркорликни ривожлантириши учун ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилаши, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкинлиги катъий белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларга асосан, комиссия аъзолари Ғаниобод ММТП худудидаги 4-к, 627-к, 629-к контурдаги жами 1,9 гектар ер майдони “KNAUF gips Farg’ona” МЧЖ томонидан ташкил этилаётган гипсокартон ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 60 нафар янги иш ўринлари яратиб худуддаги ишсизларни бандлигини таъминлаш орқали бириктириб беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Комиссия раиси:

Ш.Юлдашев

Комиссия раиси ўринбосари:



Ш.Исмоилов

Комиссия аъзолари:

А.Ражабов

О.Вахобов

Э.Рахимов

Д.Рахмонов

Ж.Мелиев

Д.Дерипалко

